



- info@adolatgz.uz
- www.adolatgz.uz
- www.adolat.uz
- adolatgz-95@mail.ru
- t.me/Gazeta_Adolat

Муносабат

ДАВЛАТ ДАСТУРИ:

барқарор тараққиёт сари муҳим қадам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Давлат дастури жами 274 банддан иборат бўлиб, режалаштирилаётган тадбирларни молиялаштиришга умумий қиймати 29 492,7 млрд. сўм ҳамда 2 600,4 млн. АҚШ доллари ва 57,5 млн. евро миқдоридаги маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, Давлат дастурида белгилаб берилган аксарият вазифалар “Адолат” СДП Сайловди дастуридаги мақсад ва гоёларга ҳамоҳангдир. Шу боис, ҳозирда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида Давлат дастури асосида тегишли иш режалари ишлаб чиқилмоқда.



Халқ юрагига йўл унинг дардига дармон бўлишдан бошланади

Водий халқини биласиз, самимий соддаликни, халқчилликни қадрлайди. Мамлакатимиз Президентининг Фарғона вилоятига ташрифидан бери бир неча кун ўтган бўлса ҳам, фарғоналиклар ҳалигача ҳаяжонда.



Аёл. Оила. Сиёсат



Музафара АБДИЕВА:

“Таълим соҳасида адолатли ва шаффоф тизим яратишимиз керак”

Инсон боласи билим ва тарбия воситасида улғаяди. Агар у билим олмаса, яхши тарбия топмаса, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши даргумон. Билим ва тафаккурнинг бошланғич шакли шамойили эса мактабда шаклланади. Мактабда бола ёзиш, ўқиш, ҳисоблашни ўрганиши билан бир пайтда келгусида қайси касб ёки соҳанинг етук мутахассиси бўлиши ўз олдига мақсад қилиб қўяди, келажакни белгилайдиган қарорни қабул қилади.

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг депутати — Музафара Абдиева Самарқанд вилоятидаги қишлоқ мактабида бирида математика ўқитувчилигидан тортиб, ўқув ишлари бўйича директор муовини, мактаб директори гача бўлган лавозимларда фаолият юритган.

Куйида фаол, жонқуяр, оқила депутатларимиздан бири бўлган Музафара опа билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Диққат, янги рукн: КЕЧА ВА БУГУН

Янги Ўзбекистон:

ҚОНУН АДОЛАТ ТАРОЗИСИДА



Давра суҳбати

ЁШЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ ЯШИРИНЧА ҲУЖУМЛАРДАН АСРАШИМИЗ ШАРТ




Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асл замирида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз

зиммасига олишга қодир бўлган ташаббускор ва шижоатли келажак авлодни вояга етказиш, шу билан биргаликда, интернет тармоқларидаги яширин гоъвий кучлардан уларни ҳимоялаш зарурияти туғилмоқда.



Бугуннинг гапи

ХУЛОСА ҲАР КИМНИНГ ЎЗИДАН



Қадри газетхон! Бизда иккита янгилик бор: бири яхши, иккинчиси ёмон. Қай бирдан бошлашга иккилабиб турибмиз.

Хуллас, яхшисидан бошласак.

“Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 11-“А” синф ўқувчиси Аъзамжон Аъламов АҚШнинг нуфузли WIDENER университетига грант асосида ўқишга қабул қилинди”, деб ёзилади xs.uz сайтида.

Маълум қилинишича, Аъзамжонга йўланган расмий мактубда унга йилига 30 000 АҚШ доллари, 4 йилга жами 120 минг АҚШ доллари тенг WIDENER университетига Президент стипендияси тақдими этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Аъзамжонга йилига 3000 АҚШ доллари миқдорида глобал ривожланиш стипендияси топширилиши ҳам билдирилган. У энди ўзи танлаган йўналиш — ахборот технологиялари бўйича АҚШнинг

WIDENER университетига таълим олишни мақсад қилган.

Кези келганда айтиш керак, ижтимоий тармоқдан ушбу йигитимизнинг исми шарифи билан очилган шахсий профилни излаб қилган ҳаракатимиз зое кетди. Демак, келажакда ахборот технологиялари бўйича мутахассис бўлишни ният қилган ҳамюртимиз ўзининг қимматли вақтини беҳуда ўтказмайди. Диктатимизни тортган жиҳатга сиз ҳам эътибор қаратингиз, Аъзамжон ҳақидаги хабар тарқалган барча интернет сайтларида ўқувчиси ўзимизникилар топширган “Фахрий ёрлик” билан суратга тушган...

Ха, айтганча, яна бир янгилик бор. Бирок уни яхшиям деб айтолмаймиз, ёмон ҳам. Пойтахтимиздаги савдо марказларидан бирида “Тик Ток учун телефон” акцияси эълон қилинибди...

ЭНДИ ИККИНЧИ ХАБАР БИЛАН ТАНИШИМ:

Ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларда айтилишича, самарқандлик икки мактаб ўқувчиси “Тик Ток”да “лайк” йиғиш учун ўзларини томдан ташлаган. Улардан бири энди бир умр ноғирон бўлиб қолиши мумкин.

“Мен дўстим билан “Тик Ток” ижтимоий тармоғига қизиқиб, профилни очдик. Обуначиларимизни кўпайтириш мақсадида иккала-миз томга чиқдик ва томдан ўзимизни ташладик.

Дўстим ҳозир шифохонада, шифокорларнинг айтишича, у оёққа турмаслиги ҳам мумкин экан. Энди “Тик Ток”га кирмасликка ҳаракат қиламан”, — дейди ўзини томдан ташлаган йигитлардан бири.

Хулосани сиз, азиз ўқувчилардан кутиб қоламиз.

ТИРНОҚ ТАГИДАН КИР ҚИДИРМАНГ, ватандош!

Ўтаётган ҳафта аввалида ижтимоий тармоқларда “Сирдарёда қарғайдиган ЙҲХ ходими” сарлавҳали видеолар тарқалди. Ушбу видеолар жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ



Иномжон ҚУДРАТОВ, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли селоматлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамият-лидир.

Биргина пенсия ва нафақа тайинлаш масаласини оладиган бўлсак, фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор тартиблар ўрнатилиши белги-ланмоқда. Яъни, жорий йилнинг 1 июни-дан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотларнинг электрон база-си юритилмаган давр — 2005 йилдан ав-валги йиллар учун иш стажини шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаётгани ҳисобланади.

Шунингдек, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловларни

Пенсия ва нафақа тайинлашда сарсонгарчиликка барҳам берилади

ундириш бекор қилиниши мўлжалланмоқ-да. Бунда ишловчи фуқаролар томони-дан ишламайдиган турмуш ўроқлари келгусида пенсия таъминотида эга бўлишлари учун ўз даромадларидан их-тиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақ-тинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

Таъкидлаш жоиз, фуқароларнинг пен-сияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини те-гишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар то-монидан ҳар олти ойда Пенсия жа-мғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъ-ул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Энг асосийси, пенсия ва нафақалар тўғрисида тайинлаш ҳамда тўлашни бўй-ича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Дастурда белгиланган бу каби қулай-ликлар аҳолининг ортиқча сарсон бўли-шининг олдини олишга, давлатдан рози-лик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Таълим тизимида янги механизмлар жорий қилинади



Гулбаҳор САЙДФАНИЕВА, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— 2021 йил учун қабул қилин-ган Давлат дастурида, аввало, та-лаба ёшларни қўллаб-қувватлаш-га катта эътибор қаратилган. Дас-турда шу соҳада кўзда тутилган бандларга диққат қаратадиган бўлсак, кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўллаган 200 нафар талабага Ўзбекистон Республика-си Президентининг гранти ажратили-ши ёшлар сиёсатида жуда адо-латли қарордир. Аваталги тизимда Президент стипендиясини талаба бир йил давомида охириги курсда олган бўлса, эндиликда талаба бут-ун ўқиш даврида Президент гран-тига эга бўлади. Ҳаётий таъриб-ша-шуни кўрсатадиган, бу имконият би-лан стипендия олиш учун корруп-цион ҳолатлар пайдо бўлишининг ол-ди олинади. Оқибатда маълумотлар-ни назарда тутуви янгона элект-рон реестрнинг шакллантирилиши э-са шаффофлик ва адолатли таъ-минлашга хизмат қилади.

Давлат дастурида, шунингдек, олий таълим муассасаларида икки ва ундан ортиқ фарзанди таълим олаётган оилаларга таълим кре-дитини талаба ўқишни тугатгандан сўнг қайтариш имконияти берил-моқда.

Давлат дастурида академик таътил масаласида энгилликлар берилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Академик таъ-тил даврини эндиликда талаба их-тиёрига кўра сиртки ёки масофа-вий таълим турига алмаштириб, мустақил таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади, яъни унинг таълим олишида узил-мас-бўлмайди. Аҳамиятли томони шун-даки, академик таътилдан қайтган талабаларга илгари ўзлаштирган фанларидан қайта ўқишти амали-ёти бекор қилинмоқда.

Давлат дастурида олий таълим-дан кейинги таълимни давом эт-тирувчилик учун ҳам қатор қулай-ликлар кўзда тутилган. Энг авва-ло, илмий унвон ва илмий дара-жаларни бериш ваколати 2021 йилнинг 1 сентябридано бошлаб босқичма-босқич олий таълим му-ассасаларининг илмий кенгашлар-ига ўтказилиши белгиланган бў-либ, бу ҳорижий амалиётга ҳам тў-лиқ мис келади. Ушбу янгилик ил-мий изланувчилар олдига сунъ-ий тўсиқлар қўйилишининг олди-ни олиш, мамлакат илмий сало-ҳиятини оширишнинг муҳим оми-лидир.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

Ушбу ҳужжатда юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оши-ришининг аниқ амалий чора-тадбир-лари акс этган бўлиб, маданият ва санъат соҳасининг тараққий этиши-ни таъминлаб берувчи омирларга ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, соҳанинг барча тармоқлари ривож-ланишига қулай шарт-шароит яратиш, ўзбек маданияти ва санъати дурдо-

Тошкентнинг қадимий 12 дарвозаси тикланади

наларини жаҳон бўйлаб тарғиб этиш, атоқли адиб ва санъаткорларнинг ада-бий ҳамда мусиқий меросини чуқур ўрганиш ва келажак авлодларга бека-му кўст етказиш каби долзарб вазифалар ўз аксини топган.

Жумладан, маданият ва санъат му-ассасаларининг моддий-техник база-сини мустаҳкамлаш, улар учун замо-наввий шарт-шароит яратиш мақса-дида бюджетдан 72,1 миллиард сўм аж-ратилиб, 16 та маданият маркази, 10 та музей, 3 та театр биноларини му-камал тазмирлаш ва жиҳозлаш ва-зифаси белгиланган.

Шунингдек, "Ипак йўли дурдо-наси" Тошкент халқаро кино фести-валини ташкил этиш мақсадида муай-ян норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишла-б чиқилиши кўзда тутилган бўлиб, унда халқаро тадбирни юқори савияда ташкил этиш, ўзбек киносини дунё-га танитиш, ҳорижий кинокомпания-ларни мамлакатга жалб этиш ҳамда кинематография соҳасида ўзаро ал-машувни кенгайтириш, фестивал-низомини тасдиқлаш, тадбир до-ирасида халқаро илмий-амалий кон-ференция ўтказиш вазифалари юк-латилган.

Давлат дастурида, атоқли шоир ва адиблар Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, буюк санъаткор Ботир Зокировнинг юбилей саналарини нишон-лаш бўйича белгиланган тадбирлар-ни аҳоли, аввало, ёшлар хоти-расида ёрқин из қолдиришга дара-жада, чинакам адабиёт ва санъат бай-рамлари сифатида ўтказиш мақса-дида "Абдулла Орипов издошлари", "Ўткир Хошимов асарлари билимдо-ни", "Ботир Зокиров санъати даво-мчилари" кўрик-танловларини ташкил этиб, ушбу тадбирларни туман, ша-ҳар, вилоят ва республика бос-қичларини ўтказиш орқали амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Яна бир муҳим масала — респуб-ликамиз ҳудудига жойлашган мада-ний мерос объектларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъ-минлаш бўйича дастур қабул қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиши на-зарда тутилган бўлиб, унда барча ма-даният меросининг қўчмас мулк об-ъектларини қайта тарихий-маданий экс-пертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг Миллий рўйхатини қайта шаклланти-риш, маданий мерос объектлари элек-

трон порталини яратиш, уни давлат электрон хизматлари билан интегра-ция қилиш, давлат кадастр ҳужжати-ни расмийлаштириш ва давлат ка-дастрлари ягона тизимга тегишли ах-боротларни жойлаштириш, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, ОАВ ва кенг жамоатчилиқнинг иштирокини рағбат-лантириш ҳамда маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш, ас-раш, илмий тадқиқ этиш ва оммалаш-тириш ишларини кучайтириш, молия-лаштириш манбаларини белгилаш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжал-ланган чора-тадбирлар дастурини та-сдиқлаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан яна бири — Тошкент шаҳрининг қадимий 12 дар-возасини тиклаш ва туризм намойи-ши объектларига киритилишидир. Зеро, тарихни мукамал билиш, юр-тимизнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини англаш ҳамиша кун тартиби-дан мустаҳкам жой эгаллаб келган ва-зифа бўлиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, бутун жа-ҳонни қийин шароитда қолдирган машум пандемия даврида мамлака-тимиз ўзининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш баробарида маданият ва санъат соҳасининг ривож-ига кўрсатаётган юксак даражадаги ғамхўрлиги эртанги кунимизнинг пор-лок истиқболини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалигида ерга бўлган муносабат тубдан ўзгаради

ҳўжалиги соҳасига ҳам янги чара ёндашувдаги муносабатларни жорий этиш белгиланмоқда. Хусусан, жорий йилдан амалиётимизга "Ягона дарча" тамойили бўйича фермер, деҳқон ҳўжалик-лари, агрокластерлар, кооперациялар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига инновацияларга асосланган сифатли агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бунда, аввало, қишлоқ ҳўжалиги-да билим ва инновация-лар тизимини 2021-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази

негизда қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказини ташкил этилиши белгиланмоқда. Шунингдек, ушбу вазифа орқали оқибат илмий изла-нишлар жорий этилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этиб, энди илмий ва инновацион ишланмаларни яратган ва самарали жорий этган олимлар ва ёш тадқиқотчи-лар қўллаб-қувватланади.

Яъни, Миллий марказ ҳузур-и-да Қишлоқ ҳўжалигида илмий-тадқиқотларни ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш жа-мғармаси ташкил этилади. Давлат дастурида ерга эътиборсизлик орқали ер сифатининг бузилишига қарши курашиш масалалари-

Шунингдек, ҳар бир гектар ердан олинган даромаднинг ҳозирги ўртача 2 минг АҚШ долларидан камида 5 минг АҚШ долларига босқичма босқич етказиш, шолчилик-да сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида асосий майдонларда 20 фоизгача ва тақрибий май-донларда 70 фоизгача кўчат усулида экишни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ишонимизки, мазкур белги-лаб берилган вазифаларни муваффақиятли ижро этилиши аввало, деҳқон ва фермернинг масъулиятини ошириш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, 2021 йил Давлат дастурида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлигига хизмат қилиши, ҳар бир рўйдошимизда Ватан равақига юксак даҳлдорлик ҳиссини шакллантириши билан аҳамиятлидир. Зеро, Давлат дастури — бу халқнинг ўзи танлаган миллий стратегиядир.

Шундай экан, Давлат дастурининг бекам-кўст ижро этилиши жуда муҳим бўлиб, ушбу жароён барча бўғиндаги партия фаоллари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди.



Қодир ЖЎРАЕВ, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

Давлат дастурининг бешинчи, яъни ташқи сиёсат ва хавфсизлик йўналиши 30 та ўта муҳим вазифаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Чунончи, Давлат дастурида Аф-ғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва мазкур мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш йўли-даги глобал саъй-ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлаш, Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғ-лайдиган Транс-афғон транспорт йўлига бир неча эҳтиш борасида аниқ манзили тадбирларни амал-га ошириш вазифаси ҳам алоҳи-да кўрсатиб ўтилган. Бу эса айни муддаодир, зеро, асрлар давомида Афғонистон Марказий Осиёни бошқа минта-қалар, хусусан, Жанубий Осиё билан боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келган.

Ҳозирги кунда Транс-афғон ко-ридорини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар таш-ланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон то-монидан ушбу лойиҳани амалга ошириш йўлида аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар алла-қачон бошлаб юборилган бўлиб, жорий йилнинг 2 февраль кунги Тошкент шаҳрида Афғонистон таш-қи ишлар вазири Х.Атмар, Поки-стон бош вазирининг савдо, саное-т ва инвестициялар бўйича мас-лаҳатчиси А.Р.Довуд иштирокида "Мозори Шариф — Қобул — Пе-шова" темир йўли қурилиши бўй-ича ташкил этилган учтўнма-лама йигилиш фикримизнинг яққол тасдиғидир. Темир йўлни қуриш бўйича аниқ Ҳаракатлар режаси-нинг қабул қилиниши билан якун топган мазкур йигилиш том маъ-нода тарихий воқеа бўлди.

Транс-афғон коридорининг бар-по этилишидан Марказий ва Жа-нубий Осиёдаги барча мамлакат-лар келгусида бирдек манфаат то-пади. Агар Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимизнинг Покистон ва

Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган Транс-афғон коридори барпо этилади

Ҳиндистон билан товар айирбош-лаш ҳажми 500 млн. доллардан ошмайди. Бунинг сабаби — бизни ушбу мамлакатлар билан тўғридан тўғри боғлайдиган транспорт ко-ридорининг мавжуд эмаслигидир. Ваҳолакки, салкам 2 миллиард аҳоли яшайдиган Жанубий Осиё мамлакатлари саноти тобора юк-салиб бораётган Ўзбекистон учун улкан бозор вазифасини ўташи мумкин.

"Мозори Шариф — Қобул — Пе-шова" темир йўли қурилишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жафожаш афғон заминда узоқ ку-тилган тинчлик ва осойишталикни тақдим этиши мумкин. Ҳозирда мазкур лойиҳага Афғонистонда тинчлик ўрнатишга жалб қилинган барча мамлакатлар, хусусан, По-кистон, Россия, АҚШ, Хитой каби давлатларнинг қизиқиш билан қаратилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Масаланинг молиявий томони-га келсак, Жаҳон банки, Исло-м тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий ин-вестиция банки, Европа ривожла-наш ва реконструкция банки, Ев-ропа инвестиция банки каби бир қатор нуфузли халқаро молиявий институтлар ушбу лойиҳани молиялаштиришга тайёр эканлик-ларини билдиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Дав-лат дастурида кўрсатилган Транс-афғон коридорининг барпо этили-ши келгусида Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўрта-сида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа со-ҳалардаги кооперация учун улкан имкониятлар эшигини очиб бе-ради. Лойиҳанинг рўёбга чиқарили-ши, бир томондан, Афғонистонга унинг транзит салоҳиятини оши-ришга хизмат қилса, иккинчи то-мондан, макроминтақа миқёсида барқарор иқтисодий ўсишни таъ-минлашга бекиёс ҳисса қўшади.

Вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчилик назорати кучайтирилади



Гулруҳ АЪЗАМОВА, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Давлат дастурининг эътибор-ли жиҳати шундаки, давлат раҳ-барлари ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг жой-лардаги ижроси шаффофлиги ва адолатлиги таъминлаш мақ-садида Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган ислохотларнинг мохи-яти ва натижаларини аҳолига ет-казиб боришга қаратилган "Пре-зидент қарорлари — ҳаётда ва на-зоратда" мавзусида кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб борилиши белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган вазифалар ижросини ташкил этишда жа-моатчилик иштироки ва назоратини кенг йўлга қўйиш мақсадида "жамоат-чилик эшитувлари" ва "жамоатчилик мониторинги" тизимлари жорий этил-моқда.

Дастур орқали инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари хурматини шакл-лантириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада оши-ришга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиё-сий-ҳуқуқий рейтинглар ва индекслардаги мавқеини яқшилашга хизмат қиладиган инсонпарварлик тамойиллари жорий қилинмоқда.

Жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан белгилашда тергов изолятор ва жазони ўташ муассасаларида "мони-торинг таширлари" тизими йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, Дастурда 2021 йил давомида 6 тагача манзил-колониаларнинг қисқартириш кўзда тутилган бўлиб, бу эса айнан Ўзе-бекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбу-риятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмлари-ни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа ком-плекс чоралар тизимини яратиш, қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни импле-ментация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш йўналишида қўйилган муҳим қадамлардан биридир.



Дилрабо ХОЛБОЕВА, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Давлат дастури барча соҳалар кенг қамраб олинган-ли билан аҳамиятлидир. Айниқса, дастурда қишлоқ

Диққат, янги рукн: Кеча ва бугун

Мамлакатимизда одил судлов тизимини эркинлаштириш сиёсати сўнгги пайтларда йил сайин юқори поғонага кўтарilib бормоқда. Касбим тақозоси билан ўн йил давомида одил судлов органлари раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб, судьяларга ҳеч қачон берилмаган мустақиллик, ҳуқуқ ва эркинликлар бугун берилётганлигининг, судьялар халқаро талабларга жавоб берадиган даражаларга чиқётганлигининг гувоҳи бўлиб турибман.

Ҳаммамиз яхши биламиз, судья белгиланган тартибда қасамёд қилади. “Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним бўйича бегараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”. Қани айтинг, мустақил ва эркин бўлмаган судья шу қасамёдга содиқ бўла оладими?



Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сийёсий Кенгаши
раиси ўринбосари

Янги Ўзбекистон: ҚОНУН АДОЛАТ ТАРОЗИСИДА

Тўғри хулоса қилдингиз. Албатта йўқ. Судья кимга ёки қайсидир органга қарам бўлгани, худди ўтмишдаги сингари ўз фикрига, сўзига, хулосасига эга бўла олмайди. Натijaда, қасамёд бузилади. Қонун бузилади. Холислик йўқолади. Адолат бўлмайди.

Энди суд остонасига қадам қўйган кезларим қишлоғимнинг оқсоқолларидан бири (раҳматли) Риқозул бобо бир маъракада кўриб қолиб, имо-ишора билан яқинроқ боришимни сўради. Салом-алиқдан кейин, “Абдукамол, судьяликнинг юки оғир, адолатли бўл, биласанми, адолатли бўлиш фақат энгил жазо бериш эмас, қилмишига яраша жазо бериш демакдир, чунки жабрланувчилар бор, жойи келганда оғир жазо ҳам адолатли бўлади”, деганди. Оқсоқолнинг шу гапи менинг қулоғимга кўрғошин бўлиб қўйилиб қолганди.

Уша йилларда кўрилган аниқ бир мисолга мурожаат қиламан. Тахминан 1995 йил қўлимга бир жиноят иши келиб тушди. Суд раиси бўлганлигим ва иш жиддий, айни вақтда мураккаб бўлганлиги сабабли ўз иш юритувимга қабул қилдим. Иш материалларига кўра, вояга етмаган икки йигит ўрта ёшли, бақувват поччасини бошига бир уриб ўлдирганликда ва темир йўл ёқасига ташлаб кетганликда айбланган. Бир суд-тиббик экспертизаси бошига тўмтоқ восита билан уриб ўлдирган бўлиши мумкин деб, бошқа суд-тиббик экспертизаси поезд уриб юборган бўлиши мумкин деб, хулоса берган. Иш чуккур ўрганиб, иш ҳолатларини воқеа жойида, дастлабки терговда тўплаган далилларни судда тўплаган далиллар билан солиштириб, инкор этиб бўлмас даражада оқлов ҳукми чиқариш чегарасига келганимизда, иш тергов органи томонидан “камчилигимизни ўзимиз тўғрилаймиз” деган баҳона билан қайтариб олинди ва ордан кўп ўтмай бошқа судга юбо-

рилиб, вояга етмаган болаларга айблов ҳукми чиқарилди...

У йилларда суднинг устида ўрнатилган прокуратура, адлия органлари назорати етмаганидек, бошқа идораларнинг ҳукмронлиги ҳам яққол сезилиб турарди. Айниқса, кўзига ёмон кўрилган одамни чўнтагига наша тикиб, уйига қурол ёки ўқ ташлаб, оғир айблани қўйиб келтиришарди. Биз, судьялар уларга жазо бериш десак, ҳеч жойда экилмайдиغان наша унинг чўнтагига қаердан келди, бирон жойда сотилмайдиган ўқ-дори қаердан у камбағал-бечоранинг оғилида пайдо бўлди? Окласанг, албатта оқлов ҳукминг бекор қилинади, оқламанган, айбни исботлаб беролмайсан... Очиғи, бир йилда шунга ўхшаган йигирма бешта жиноят ишини кўшимча терговга қайтарганим ва келтирилган протестларга қарамасдан, юқори суд қароримни маъқуллаганди.

Энди-чи? Судьяларнинг мустақиллигига, уларнинг фаолиятидаги юксалишларга ҳавас ва ишонч билан қараймиз. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятини бошлаган илк кунлардан одил судлов органларига алоҳида эътибор қаратди. “Энг ачинарлиси, — деди ўшанда қуончаклик билан Президент, — кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган. Бундан биз, барча тергов органлари хатосис ва жуда сифатли даражада ишлаяпти, деган хулосага келишимиз мумкинми? Йўқ, албатта!” Бу гапларни эшитганимда аслида виждон амрига ва қонунга риоя қилиб меҳнат қилган, аммо қайсидир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги кимларгадир ёқмай қолгани ёхуд кўчада сангиб

юргани учун тўхматга учраган айрим юртдошларимиз кўз олдидан бирма-бир ўтганди.

Бу сўзлардан кейин депутатлик фаолиятим даврида келиб тушган бир фуқаронинг мурожаати ёдимга келди. Тақдим қилган суд қарорларига кўра, у ҳўжалик бошқарувида кичик бир лавозимда ишлаб турганда пора олганликда айбланиб, жазога тортилган. Тақдим қилинган иш материаллари нусхаларини ўргансам, пора берувчи порани сентябрь ойида давлат рақами суд ҳукмида кўрсатилган “Каптив” автомашинасида берган ва пора олувчи пальтосининг ўнг чўнтагига 25 000 АҚШ долларини солиб қўйган. Суд тергови давомида тегишли давлат органларидан берилган маълумотномаларга кўра, ўша куни ҳаво ҳарорати пальто киядиган даражада эмас, 25 даража иссиқ бўлган, бундай рақамли автомобиль эса умуман бўлмаган. Аммо, айблов ҳукми эълон қилинган ва жазо ўталган.

Шу воқеани эслаб, Давлатимиз раҳбарининг бошлаган сиёсати нақадр одиллигига имон келтиргандим. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги тизимдаги ишларнинг пойдевори бўлди.

Мухтасар айтганда, одил судлов институтининг мустақиллиги жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳўрмат қилиш маданиятини шакллантиришга, мамлакатимизнинг халқроқ нуфузини янада юксалтиришга ҳисса қўшади, бутун дунё ҳамжамияти олдида ёру юзли бўлишимиз учун хизмат қилади. Зеро, Президент таъбири билан айтганда “Адолат, адолат, адолат! Яна бир марта адолат!” қарор топади.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида кейинги 4 йилда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 20дан ортқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳўжатлар билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини янада ошириш, судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган берилди.

Таъбир жоиз бўлса, биз ҳуқуқшуносларнинг улуг устозимиз Бурҳониддин Марғиновий Пайғамбаримиздан бир ҳадис ривоят қилганлар: “Расулulloх айтганлар: Кимда-ким қозилик мансабини ахтарса, у ўзига ўзи жавоб бериши керак, лекин кимда ким мажбурият орқасида ишласа, унинг учун фаришта осмондан тушиб уни бошқаради”. Дарҳақиқат, судьялик вазифасига лойиқ топилган киши Президент таъбири билан айтганда, олий даражадаги адолат ва яхшилик тарафдори бўлиши жоиз. Шу нуқтаи назардан, амалдаги судьяларни танлаш ва тайинлаш институтини қўйилган ана шу талабга мос кадрларни тавсия қилиши ва демократиянинг барча талабларига жавоб бермоқда.

Мухтасар айтганда, бир неча марта учрашувлар, машварат ва кенгашлар ўтказилди. Суд тизими янгиланди. Суд ҳодимларининг кадр-қиммати тикланди. Судьялик фаолиятига тоза ҳаво кирди. Судлар очиқлик, шаффоқлик ва адолат майдонига айланди.

Ҳақиқат рақамларда, деб бежиз айтилмайди. Сўнгги 4 йилда 2 минг 500 нафардан ортқ фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Биргина ўтган 2020 йили 719 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинган. Шунингдек, 2020 йилда 3 минг 434 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани муносабати билан суд залидан озод қилинган, 21 минг 970 нафари жазони ўташдан муздатида илгари шартли озод қилинган, 6 минг 959 нафарига тайинланган жазо энгили билан алмаштирилган ва 5 минг 958 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланган ёки қайта малакаланган.

Зиммасига одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишни, бегараз, ҳолис ва адолатли бўлиш вазифасини олган судьялар Давлат раҳбарининг раҳномалигида қонун устуворлигини таъминлаш, провадида адолатни қарор топтириш йўлидан бораётганлиги, халқимизнинг ишончига кираётганлиги эътиборга молик. Янги Ўзбекистонда қонунлар адолат тарозисиди! Бу ҳали, маррага етдик, дегани эмас. Эндиги навбат дастлабки тергов сифатини оширишга қаратилган суд-тасир чораларини кучайтиришдир. Ушанганда Президентимиз кутаётган деген тўлақонли натижалар рўйбага чиқа бошлаши, шак-шўбҳасиз.

Партия ҳаёти

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати Шоҳида Холлиева Термиз шаҳридаги “Дўстлик” МФЙ фуқаролари билан олиб борган мулоқотида бир қатор муаммоларга ечим топди.

Масалага ечим топилди



Маҳаллада истикомат қилувчи Зебохон Бобоева депутатимиз билан мулоқотда 4 нафар ўғли, келинлари билан бирга яшашини, уй-жой зарурлигини таъкидлаб, шунинг учун фарзадорларни уй-жой билан таъминлаш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ш.Холлиева мазкур муаммони маҳалла фаоллари билан биргаликда ўрганиб, ҳокимлик мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. Шунингдек, бу оила аъзолари иссиқхона қуришга бўлса-да, маҳсулот етиштириш учун банкдан кредит олиш масаласида муаммолар бўлаётганлигини маълум қилиб, шу ҳуқуқда ҳам ёрдам беришни сўради. Депутат бу масала “Микрокредитбанк”нинг шаҳар филиали ташкилоти мутасаддилари билан биргаликда, тез орада ижобий ҳал этилишини билдирди.

Маҳаллада истикомат қилувчи яна бир фуқаро Шоиста Бегимова ҳам маҳаллада “Гўзаллик салони” очиб, айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганлигини, келгусида фаолиятини кенгайтириш учун кредит зарурлигини, шу масалада ёрдам бе-

ришни сўраб мурожаат қилди. Депутатимиз тегишли банк мутасаддилари билан келишиб, тез орада муаммони ҳал қилиб беришга ваъда берди.

Шунингдек, депутатга аҳоли томонидан иш ўрни масаласида ҳам мурожаатлар бўлди. Депутат фуқаролар мурожаатлари асосида туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан боғлиб, уларга ечим топишини ва назоратга олишини билдирди.

— Одамлар билан юзма-юз мулоқот ҳар бир ҳудуддаги, қишлоқ, маҳалла, хонадондаги мавжуд аҳолга ҳолисона баҳо бериш ва камчиликларни ўз жойида бартараф этишга эришишининг энг яхши йўлидир, — дейди депутат Шоҳида Холлиева. — Албатта, қаерда бўлманг, муаммолар бор. Жойлардаги муаммоларни ўша ҳудуддан сайланган депутатлар бошқаларга қараганда яхшироқ билади. Одамлар ишончли кадрларга, халқ вакили бўлиш нимадиганини ҳис қилган депутатлар ҳар доим ҳаракатда, ишлашида бўлади.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши
матбуот котиби

Ишга жойлашди

Халқ депутатлари Чимбой тумани Кенгаши депутати Ф.Палванова туманининг «Бердақ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Аёллар дафтери» рўйхатидаги хотин-қизлар билан учрашди.

Учрашув давомида хунар ўрганиши, ўз хунари орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлашни истаган аёллар учун яратилаётган имкониятлар тушунтирилди. Бунинг учун хотин-қизлар томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишлар, касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиш, ташаббускорлик ва шижоат зарурлиги таъкидланди.

Хотин-қизларнинг айрим мурожаатлари жойида ўз ечимини топди. Жумладан, «Аёллар дафтери» рўйхатида турувчи Утеулиева Ританинг мурожаати бўйича ўғли Зейнетов Али депутат кўмаги билан тумандаги 19-сонли мактабга таълим муассасасига ишга жойлашадиган бўлди.

Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг коммунал тўловлари ўрганилиб, депутатимиз кўмаги билан уларга моддий ёрдам ҳам берилди.

Ханназат СУЛАЙМАНОВ,
Чимбой тумани кенгаши раиси

Жиноят ва жазо

НОҲАҚ АЙБЛАНГАН РАҲБАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисида йўллаган Мурожаатномасида “Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди”, дея алоҳида таъкидлади. Оқланиб, юзи ёруғ бўлган ана шу фуқаролар орасида Кўқон шаҳрида яшовчи ҳамюртимиз Раҳматжон Фаниев ҳам бор.

Гап шундаки, Раҳматжон ака Кўқон шаҳридаги “55-автокорхона” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимда ишлаган. Аммо жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2013 йил 10 январдаги

ҳукмига биноан ноҳақ судланган.

Энди ҳақли савол туғилади: ҳўш, қорхона раҳбарининг айби нимада эди?

Суд ҳукмида қайд этилишича, Р.Фаниев “55-Avtokorxonа” МЧЖ раҳбари ва “Fayzli nur plus klassik” МЧЖ иш юритувчиси лавозимларида ишлаб келган. Яъни масул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, “Farg'ona-paxtasanoat” худудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Й.Ҳакимов, унинг ўринбосари Аҳаджон Юлдашев, “Fayzli nur plus klassik” МЧЖ раҳбари А.Холдаров, “Farg'ona-paxtasanoat trans” МЧЖ раҳбари Абдусамат Юлдашев ва бош ҳисобчиси М.Ҳасанбоев-



КАССАЦИЯ СУДИ МАЖЛИСИДА ОҚЛАНДИ

лардан иборат уюшган жиноий гуруҳга қўшилган.

Авалло уюшган гуруҳ раҳбари Й.Ҳакимов уни ўз ўринбосари Аҳад Юлдашев билан таънинтирган. Сўнгра, бош ҳисобчига “55-avtokorxonа” МЧЖга қарашли 8 та “КАЗ-608” русумли автомашиналар ҳамда “ТМЗ-879” русумли тиркамаларни “Farg'ona-paxtasanoat trans” МЧЖга юқори нархлар-

да сотиб олиш ҳақида топшириқ берган. Бинобарин, А.Юлдашев ва Р.Фаниев 2010 йил 15 мартдан 10 май кунига қадар ана шу транспорт воситаларини “55-avtokorxonа” МЧЖдан “Fayzli nur plus klassik” МЧЖга ўтказишган. Кейин эса транспорт воситаларини шу жамият номидан биржа савдоларига қўйиб, ҳўжатларни расмийлаштиришган. Оқибатда

ҳақиқий нархи 47.800.000 сўмлик бўлган автомашини ва тиркамаларни “Farg'ona-paxtasanoat trans” МЧЖ томонидан 149.100.000 сўмга сотиб олинишига эришилган. Аниқроғи, ўртадаги 101.300.000 сўмлик тафовут ва 20 фоизлик янага йўл фонди тўлови — 29.820.000 сўм билан қўшиб ҳисоблаганда жамиятнинг жуда кўп миқдордаги, 131.120.000 сўм маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишган. Шунинг учун гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. Раҳматжон Фаниевга эса тергов органи Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “в” банди, 209-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айб эълон қилган. Пировардида суд уни ана шу моддалар билан айбдор деб топиб, Жиноят кодексининг 45, 57 ва 59-моддаси тартибда 1 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳамда иш ҳақининг йигирма фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига маҳрум этган. Аммо...

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисоблангани, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка онд барча шўбҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шўбҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, 83-моддасида эса иш қўзғатилган ва тергов ҳара-

катлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят тарқиб бўлмаси, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаси, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз деб топилуши ва реабилитация этилиши лозимлиги белгиланган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2013 йил 10 январдаги ҳукмини бекор қилиб, Р.Фаниевни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “в” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбсиз деб топиб, оқлади. Р.Фаниевга реабилитация қилиниши муносабати билан етказилган мулкий зиённи қоплангунга қадар айбсиз ҳисоблангани, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шўбҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, 83-моддасида эса иш қўзғатилган ва тергов ҳара-

Фарҳоджон ФАНИЕВ,
Фарғона вилоят суди
раиси ўринбосари

14 февраль — Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кун

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Захириддин Мухаммад Бобур ҳисобланади. У улўғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, аини пайтда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У амалий ва бадий баркамол асарлари билан жаҳон маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда Захириддин Мухаммад Бобур мероси билан мамлакатимизда кенг жамоатчиликни, халқимизни яқиндан таништириш мақсадида ҳамда буюк аждодимизнинг улўғвор хизматларини кенг тарғиб қилиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш борасида кўламли ишлар олиб борилди. 1992 йилдан бери Андижон шаҳридаги Богумол дарахсидида ташкил этилган Бобур боғи фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда шоир ҳайкали қад ростлаган. "Бобур ва жаҳон маданияти", "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейлари фаолият юритмоқда. Ушбу масканда ҳар йили Бобур таваллуди муносабати билан илмий-амалий конференциялар, ҳар беш йилда халқаро анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Бундай анжуманлар республикамизнинг кўплаб шаҳарларида, таълим муассасаларида ҳам ташкил этилмоқда. Тошкентдаги "Ижод боғи"да ҳам Бобур ҳайкалининг қад ростлагани кўнгилдаги иш бўлди.



Ўлмас мерос

бўйича кўпгина хорижий давлатларга самарали экспедициялар уюштирилди. Жумладан, Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган Куръони карим қўлёзма нусхасининг Ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётига катта воқеа бўлди. Бобур асарлари тўплами қўлёзма нусхасининг Техрон Миллий кутубхонасида сақланаётган ва ватанимизга келтирилган нусха си ҳам Бобур меросини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади. Сўнгги тадқиқотлар натижасида бобурийлар яратган бой меросининг бир қисми АҚШ Огайо штатидаги Санъат музейининг ҳазинасида сақланиб келаётгани маълум бўлди.

Халқимиз узок асрлардан буён қадрлаб келаётган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди аини замонда Марказий Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасида қадимий тарихларга эга бўлган муносабатларнинг узвий халқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афгон ва Ҳинд, покистонлик ва бангадешлик олимлар ҳам кунт билан ўрганишмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, диққатга сазовор. Аиниқса, Бобур қўлёзмаларини излаш борасида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўқпоки сарой реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур навоби кутубхонасида

Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган Куръони карим қўлёзма нусхасининг Ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бобур асарлари тўплами қўлёзмасининг Техрон Миллий кутубхонасида сақланаётган ва ватанимизга келтирилган нусха си ҳам Бобур меросини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади. Сўнгги тадқиқотлар натижасида бобурийлар яратган бой меросининг бир қисми АҚШ Огайо штатидаги Санъат музейининг ҳазинасида сақланиб келаётгани маълум бўлди.

сақланиб келаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукамал матни яратилди. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилди, илмий истифодага киритилди. Улуғ адибнинг "Бобурнома" асари кўп асрлардан бери шарҳ ва фарб тарихчилари ҳамда фаннинг бошқа соҳалари вакиллари диққат-эътиборини ўзига тортти келмоқда. Шу жиҳатдан Бобуршуносиликда эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш нуктаи назаридан ҳамда "Бобурнома" асари билан боғлиқ ҳолатда халқаро миқёсда илмий-амалий аҳамиятга эга анжуман ўтказиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бобур ижодида "Мубаййин" асари ҳам алоҳида ўрин тутуди. "Мубаййин" ислом дини асосларини баён этувчи йирик асар. Унда диний масалалар чуқур билимдонлик ва юксак бадий маҳорат билан ёритилган. Ватанимиз ва хорижда кенг тарқалган бу асар қўлёзмалари ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу асарни ҳар жиҳатдан ўрганиш, аиниқса, ёш авлодни ислом дини моҳиятини англаш, диний экстремизм хавфидан сақлаб, баркамол инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Дунё қўлёзмалар фондида Бобур ва бобурийларга оид бир неча миңдан зиёд асарлар жамланган. Ҳозирги кунгача тўпланган бу ноёб асарлар қадимий адабий жараёнларни ёритишда муҳим намба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ана шу меросни бобуршунос олимлар тадқиқ қилиши, илмий муомалага киритиши, қўлёзма ва тошбосма китобларнинг каталогини тузиши ва топилган ҳужжатларни дастлабки ишловдан ўтказиши, илмий тавсифини яратиши, шоирнинг алоҳида асарларини нашрга тайёрлаши ҳам муҳим вазифалар ҳисобланади.



БОБУР

Эй, сен юртим, қилгилардан қолган жароҳат, Эй, сен тиглар чақмоғидан яралган қуёш! Қайси найза илиб кетди бошинг бу дафъа, Бир фарзандинг излаб юрар сени сўққабош. Излаб-бўлаб юрар у ҳам қўлида қилич, Номусингни у тиг билан топмоқчи, Ватан! Қурашмоққа қолмаганда на имкон, на куч, Кўкрагидан гамли куйлар сирқади баъзан. У куйлайди тупрогингни сенинг, о ўлка, Унинг ёлғиз ҳамроҳидир қуёвни ва алам. Кета туриб, олган сиқим тупроғи ичра Бор эди қон ва бор эди бир кичик қалам. Шундай кетди ул сарқарда юртдан бешуҳрат, Фақат қалам ола кетди ва қалба нидо, Олисларда топса ҳамки ганжи бебад, Она-Ватан кўйида у бўлди бир гадо. Лекин чексиз эди ҳижрон. Чидолмай ахир Фазал тўла юрагини отди юрт томон. О, Ватан деб порра-пора бўлган бу бағир Осиёни кўшиқларга қўлди шу замон. Кўшиги деб қабул этди уни Ватани, Кўшиги деб этди бунда юради эркин. Менинг юртим, ололмади шоҳ қалби сени, Шоир қалби, шоир қалби забт этди лексин. Бу тилка айёми дўстлар, нурли ҳолат биз билан, Эътибор кўзуемиз, тўғри муруват биз билан. Бизки ишқ ҳомийимиз, оташ муҳаббат биз билан, Биз дённат аҳлимиз, инсоф, дённат биз билан, Ҳаққа жон тутган эдик, бу кун адолат биз билан. Ёзми янгирмоқ мудом кўҳна олам касбидур. Аммо гоҳ шодлик иши, гоҳи унинг гул касбидур. Пок чиқиш тун қўйнидан қатра шабнам касбидур. Янгилик ижод этув ошўфта одам касбидур. То бу олам дуррини асрашга санъат биз билан. Ишга бакор ўлса деб, кутманг Фаридундан умид, Шоҳи одилдан умид қил, Фарҳоду Мажнундин умид. Ҳар тиниқ тонгдин умид, битта тинч кундин умид, Ўзининг мард ўғлидан эл кутди олдиндин умид, То абад бўлсин жасорат ҳам ҳимоят биз билан. Ўнми-миг йилги саволларнинг жавоби очилиб, Оқсин ўлкам сувлари кўтик-ҳубоби очилиб, Ҳар юракнинг, ҳар ақлнинг хуши-тоби очилиб, Бу ҳаёт жўйсин ҳақиқий меҳр тоби очилиб, Чунки Нур, Бахт истаган барча жамоат биз билан.

Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур халқаро жамоат фонди раҳбари

Маҳаллам — фахрим

Ютуқлар гарови — АҲИЛЛИКДА

Маҳалла бизнинг қувончу ташвишимиз, тўю аъзамиз ўтадиган маскан. Қолаверса, инсон тафаккури ва камолоти ҳам маҳалладаги маънавий-ахлоқий муҳитга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Ана шу жиҳати билан ҳам бу маскан юртимизда қадрланади.



Маҳалладаги ҳамжиҳатлик, саранжом-сарийшталик, ободончилик, умуман олганда, фаровон ҳаёт маҳалла оқсоқолининг — раисининг саъй-ҳаракатлари чамбарчас боғлиқ. Шу маънода Шўрчи туманидаги "Ёшгайрат" маҳалласини 16 йилдан бери бошқариб келаётган Ўрол Шерхоннинг фаолияти диққатга сазовор. Оксоқол ҳудудда 640 та хонадонда 985 та оилага бирлашган ҳолда истиқомат қилаётган 4014 нафар юрtdошимизнинг кўнглига йўл топа олган. Йўқса, маҳалладошлар у кишини шунча йилдан буён ўзларига етакчи сифатида танлашармиди? Келинг, фикрларимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун айрим рақамларга эътибор қаратайлик. Маҳаллада 10 та тадбиркорлик ва шунча хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд. 15 нафар "Ёшгай-

рат"лик эса фермерликнинг бошини тутган. Улар эртаю-кеч маҳалланинг кори-борига ярайди. Хусусан, "Н.Хўжақулов" фермер ҳўжалиги раҳбари Хўшбўқ Ишназаров ва тадбиркор Н.Тоғаймуродов бу борада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Яъни, ҳар иккала тадбиркорнинг 22 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва "Темир дафтар"-га киритилган 2 та оиларга кўрсатаётган бегараз ёрдамларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳудудда 39 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва 22 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳам бор. Бугун маҳаллада 802 нафар ёшлар истиқомат



қилади. Хонадонма-хонадон ўтказилган сўрвонмалар асосида уларнинг 82 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилган. Масала, яқинда ахборот технологияларга қизиққан Мафтун Мўминова компьютер хизмати кўрсатиш, Дилдора Ҳотимова тикуччилик, Бобур Йўлдошев автосервис, Улўғбек Юсупов ва Санжар Соатов чилангарлик йўналиши бўйича касб-ҳунарга ўқишга жалб қилинди. Бундан ташқари, оиладаги фаровонлик ва дастурхонларимиз тўкин-сочинлигига хизмат қиладиган яна бир омил борки, бу — аҳолининг ўз томорқаларини унумли фойдаланишидир. Инчунин, аини масалага жид-

диқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозир ҳудудимиздаги хонадонларда 84,3 гектар томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, 785 нафар маҳалладошларимиз асосан картошка, пиёз, қарама, буғдой ва полиз маҳсулотлари етиштириб, шунингдек, чорва боқиш орқали даромад топишмоқда, — дейди Ўрол Шерхон. Ў.Шерхонов маҳалла аҳолиси ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, фуқаролар йиғини ҳузурдаги "Ота-оналар университети" билан ҳамкорликда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Жумладан, 2020 йилда ҳудуддаги 35- ва 65-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 170 нафарига, "Олтин қалит" ва "Зумрадой" номи мактабгача таълим ташкилотининг 50 нафар тарбияланувчисига бадий китоблар тухфа этилди. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Икки миң қадам" спорт марафони ўтказилган. Қолаверса, туман прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор-

да "Темир дафтар"га киритилган 24 нафар аёллар камбағалликдан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, "Ёшгайрат" маҳалла фуқаролар йиғинида асосий эътибор "Обод ва хавфсиз маҳалла" таъмоийлига асосланган тизим жорий этишга қаратилган. Шунингдек, оилавий ақримларнинг олдинки олиш мақсадида туман бош имом-хатиби, маҳалла отиноийси ҳамда йиғин раисининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари иштирокида "Миллий либос — маънавият кўзгуси", "Оилага тайёрмисиз?" каби мавзуларда тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилмоқдаки, бунинг натижасида яқунланган йилда эрта никоҳ ва оилавий ақримлар қайд этилмаган. Муқаддам ажрашиб, бир-биридан айро ҳолда яшаётган тўртта оила яраштирилган. — Раисимиз Ўрол Шерхоннинг кундалик шиори — "Ўзгаларга яхшилик қилишга шошилиш". Маҳалламиздаги файзу барака, ҳамжиҳатлик ва бошқалар ҳавас қилса арзиғулик жиҳатлар балки шундандир, — дея ўз мамнуллигини изҳор қилади кекса отахон Абдуғани ака Худойқулов. Албатта, бундай кенг қўламли ишларни биргина маҳалла раисининг ташаббуси билан амалга ошириш мумкин эмас. Шу боис маҳалладошларнинг аҳиллиги ва раис атрофида жипслашиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

Хуршид СУЛТОНОВ, журналист

Кун иқтибоси. Киноматографияга китоб ўқимаган, бироқ пул топиш учун томошабинга нималарни тақдим этишни биладиган кимсалар кириб келишди. Булар: зўравонлик, фахш, қон, отишмалар. Станислав ГОВОРУХИН («Вертикаль», «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди», «XX аср қароқчилари», «Унта негр боласи» каби фильмлар режиссёри)